

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети ректори

2018 йил “ 2 ” *02*



“ТЕЎШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2018 йил “ 18 ” *08*



Рўйхатга олинди: № БД-5141000-2.12

2018 йил “ 18 ” *08*

ТУПРОҚ ГЕОГРАФИЯСИ  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 140000 – Табiiй фанлар  
Таълим йўналиши: 5141000 – Тупроқшунослик

Тошкент – 2018

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “15” 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” 08 даги 744 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчи:

Абдушукурова З. – ЎЗМУ, Тупрокшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, к.х.ф.н.

#### Тақризчилар:

Тошбеков Ў. – ГулДУ, Тупрокшунослик ва агрономия кафедраси доценти, к.х.ф.н., доцент (турдош ОТМ);

Қурвонтоев Р. – ТАИТИ бўлими мудир, к.х.ф.д, профессор (кадрлар буюртмачиси).

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2018 йил 13 07 даги 3 – сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан “Тупрок географияси” предмети, мақсади ва вазифаларини, илмий асослари, ривожланиш тарихи, асосий бўлимларини; бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; фаннинг кишлоқ хўжалик ва экологик муаммоларни ечишдаги ва тупрокшунос мутахассис тайёрлашдаги ўрни каби масалаларни камрайди. Турли табиий-иқлим шароитларида ҳосил бўлган тупроқларни географик тарқалишини чуқур ўрганиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг хоссаларини чуқур ўрганиш орқали табиий ва сугорма деҳқончиликда янги инновацион технологияларни қўллаш билан амалга оширилади. “Тупрок географияси” фани айнан шундай кўникма ва билимларни бериши лозим бўлган фан ҳисобланади.

“Тупрок географияси” умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1-курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Тупрок географияси” фани гуманитар ва табиий фанлар турқумига киради ва барча тупрокшунослик бакалаврият таълим йўналишларида ҳам ўқитилади. Мазкур фан бошқа тупрокшунослик фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожда аниқ йўналишдаги тупрокшунослик фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

**Фани ўқитишнинг мақсади** – талабаларга хориж тажрибаси асосида тупроқларни географик тарқалиши қонуниятлари ва илмий асослари; Ўзбекистон ва дунё тупроқ қоплами тавсифи; турли тупроқ-иқлим минтақаларининг тупроқлари, Ўзбекистон ва дунё ер ресурслари, улардан унумли фойдаланиш, тупроқларни муҳофаза қилиш бўйича таълим беришдир.

**Фани ўқитишнинг вазифалари:**- талабаларни тупроқларни географик тарқалиш қонуниятлари; кенг тарқалган тупроқларнинг генетик хусусиятлари; тупроқ қоплами тузилишининг ҳудудий хусусиятлари; тупроқлардан хўжалик фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари; тупроқларни географик тарқалишидаги омиллар; Ўзбекистон тупроқларининг географияси; дунё тупроқ қоплами; ер ресурслари ва тупроқларни муҳофаза қилиш қабилар билан замонавий педагогик технологиялар асосида таништирилади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- тупроқларни географик тарқалиши, унга таъсир этувчи омиллар, қонуниятлар ва илмий асослар; Ўзбекистон республикаси тупроқ қоплами; дунё тупроқ қоплами; ер ресурслари ва муҳофазаси тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

- турли тупроқ-биоиклим шароитларида тупроқларнинг тарқалишида табиий омилларнинг роли ва ахамиятини; Ўзбекистонда горизонтал ва вертикал зоналик қонуниятлари асосида тарқалган тупроқларни; дунёнинг тупроқ

харитасини; дунёнинг тупрок-биоклим минтақаларини; дунё тупроқларининг географик тарқалишини; ер ресурсларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- тупроқлар географик тарқалишининг умумий қонуниятлари; горизонтал ва вертикал зоналлик қонуниятлар; дунё китъаларининг тупроқ қоплами; Ўзбекистон ер ресурслари; тупроқларни таснифлаш ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш *қўниқмаларига эга бўлиши керак*.

### III. Асосий назарий қисм (маъруза машгулотлари)

#### 1-мавзу. Кириш

“Тупроқ географияси” фанининг предмети, мақсади, вазифалари, мазмуни ва фан сифатида ўрганишнинг аҳамияти. Фаннинг ривожланиш тарихи. Тупроқларни географик тарқалишининг асосий жиҳатлари.

#### 2-мавзу. Тупроқларни географик тарқалиш омиллари

Турли тупроқ-иклим шароитларида тупроқларнинг тарқалишида табиий омилларнинг роли ва аҳамияти. Тупроқларнинг географик тарқалишида иклим омилларнинг роли. Ўсимлик, ҳайвонот олами ва микроорганизмлар тупроқларнинг географик тарқалишида омил сифатида. Тупроқларнинг географик тарқалишида тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг роли. Рельефнинг тупроқларнинг географик тарқалишида омил сифатидаги аҳамияти.

#### 3-мавзу. Тупроқларни географик тарқалишининг қонуниятлари ва илмий асослари

Тупроқ ва тупроқ қопламининг эволюцияси. Тупроқлар географик тарқалишининг умумий қонуниятлари. Горизонтал ва вертикал зоналлик қонуниятлар.

#### 4-мавзу. Ўзбекистон республикаси тупроқ қоплами

Ўзбекистонда горизонтал ва вертикал зоналлик қонуниятлари асосида тарқалган тупроқлар. Бўз тупроқлар зонаси тупроқларининг географик ўрни. Чўл зонаси тупроқлари, уларнинг географик районлашгани жиҳатлари. Тоғ ва тоғ олди тупроқларининг географик тарқалиши. Автоморф ва гидроморф тупроқлар географияси.

#### 5-мавзу. Дунё тупроқларининг географик тарқалиши

Дунёнинг тупроқ харитаси. Дунёнинг тупроқ-биоклим минтақалари. Дунё тупроқларининг географик тарқалишида аҳамият касб этувчи омиллар. Дунё тупроқларининг географик тарқалиш қонуниятлари.

#### 6-мавзу. Дунё тупроқ қоплами

Дунё китъаларининг тупроқ қоплами. Европа, Осиё, Африка, Австралия, Жанубий Америка ҳамда Шимолий Америка асосий тупроқларининг географияси ва тарқалиши.

#### 7-мавзу. Дунё ер ресурслари ва ва муҳофазаси

Ер ресурслари, уларнинг таркибий қисми. Дунё ер ресурслари ва заҳиралари.

#### 8-мавзу. Ўзбекистон ер ресурслари ва ва муҳофазаси

Ўзбекистон ер ресурслари. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш. Ўзбекистон ер ресурслари ва заҳиралари.

### IV. Амалий машгулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машгулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Тупроқларни географик тарқалишидаги омиллар ва қонуниятларни ўрганиш.

2. Ўзбекистон тупроқларининг географик харитасини ўрганиш.

3. Ўзбекистонда турли тупроқ-иклим шароитларида тарқалган асосий тупроқ типларининг морфологик тузилишини ўрганиш.

4. Ўзбекистон бўз тупроқлар зонаси тупроқларини географик тарқалишидаги омиллар ва қонуниятларни ўрганиш.

5. Ўзбекистон чўл тупроқлар зонаси тупроқларини географик тарқалишидаги омиллар ва қонуниятларни ўрганиш.

6. Ўзбекистон тоғ зонаси тупроқларини географик тарқалишидаги омиллар ва қонуниятларни ўрганиш.

7. Европа, Шимолий ва жанубий Америка тупроқларини географик тарқалишидаги омиллар ва қонуниятларни ўрганиш.

8. Осиё, Африка ва Австралияда тупроқларини географик тарқалишидаги омиллар ва қонуниятларни ўрганиш.

*Изоҳ:* Фаннинг ишчи ўқув дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур машгулот турига ажратилган соат ҳажмига мос ишлар танлаб бажарилади. ОТМ имкониятидан келиб чиққан ҳолда янги амалий машгулот мавзулари киритилиши мумкин.

### V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Амалий машгулотларига тайёргарлик.

2. Тупроқ географияси соҳасида хорижий мамлакатлардаги янги йўналиш ва тармоқлар.

3. Тупроқ географияси йўналишида мамлакатимиз ва хорижда эришилган янгилликлар.

4. Дунё тупроқшунос олимлари йўналиши, ютуқлари ва муаммолари.

*Изоҳ:* Фаннинг ишчи ўқув дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур машгулот турига ажратилган соат ҳажмига мос ишлар танлаб бажарилади. ОТМ имкониятидан келиб чиққан ҳолда янги мустақил таълим

мавзулари киритилиши мумкин.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Добровольский Г.В., Урусевская И.С. География почв. МГУ, “Колос”, 2004. С 460.
2. A. Jones, P. Panagos, The state of soil in Europe. European Union, 2012.
3. Paul Driessen, Wageningen Agricultural University, Lecture Notes on the Major Soils of the World. Rome, 2001.
4. Krasilnikov, P., Carré, F. & Montanarella, L. (eds.) Soil geography and geostatistics Concepts and Applications EUR 23290 EN – 2008
5. James G. Bockheim. Soil Geography of the USA. USA. 2014

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курашимиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.
4. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
5. Х.Абдуллаев, Т.Абдрахмонов. Дунё тупроқлари, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. Тошкент, “Университет” 1993.
6. Глазовская М.А. Общее почвоведение и география почв. М: 1981. 400с.
1. Тожиев У., Намозов Х. ва б. Ўзбекистон тупроқлари. Бухоро, 2002.

### **Интернет сайтлари:**

1. Megadunyo.uz.
2. <http://www.eea.europa.eu/soer/europe/soil>.
3. <http://www.eea.europa.eu/soer>.
4. [http://ec.europa.eu/environment/soil/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/environment/soil/index_en.htm).
5. WWW ziyonet uz.